

“Конституциявий ислоҳотлар - келажак пойдевори” мавзусида давра суҳбати ўтказилди



Туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб ўтган тарғибот учрашувида Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши депутати Шухрат Хайитов ва тиббиёт бирлашмаси жамоаси иштирок этди.

Бугунги кунда жамиятимизда бўлаётган ўзгариш ва сиёсий жараёнларда дахлдорлик хиссини шакллантириш ҳамда Бош қомусимиз - Ўзбекистон Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳусусида тиббиёт ходимлари билан давра суҳбати ўтказилди.

Суҳбат давомида бугунги кунда Конституциямизга ўзгартириш киритишга нега зарурат туғилганлиги ва ҳар бир фуқаро ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўз таклифини бериши мумкинлиги ҳамда таклиф бериш тартиблари тўғрисида батафсил маълумот берилди.